Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил 19 декабрь ЧОРШАНБА
№ 101 (12.529)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

**БЕМИННАТ ХИЗМАТ**

## ШАҲАРДАН ҚОЛИШМАЙДИ

**Чиноз туманидаги "Пахта" қишлоқ врачлик пункти тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Эски амбулатория ўрнида ташкил этилган бу муассаса 10 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади.**



7 малакали шифокор, 29 ҳамшира ўз вазифаларини кўнгилдагидек бажаришлари учун бу масканда барча шароитлар муҳайё этилган. "Саломатлик — 1 ва 2" лойиҳалари асосида замонавий тиббий асбоблар билан тўлиқ жиҳозланган врачлик пункти шаҳардагилардан қолишмайди. Беморга тўғри ташҳис қўйиш, даволашнинг энг замонавий усулларидан фойдаланишга имкон берадиган ЭКГ, ФЕК, микроскоп каби аппаратлар "Тумангаз", "Сувоқава", электр тармоқлари, "Таъминотчи Пахта", "Пахта кабель" каби ҳомий ташкилот, корхона ҳамда фермерлар ёрдамида ўрнатилди.

**Саида РАҲМОНОВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 декабрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, мамлакатларимиз манфаатларига таалуқли долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ўзаро ҳамкорлик деярли барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

2012 йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашув чоғида эришилган принципиал келишувлар ва уларнинг якуни бўйича имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларацияни амалга ошириш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш Ўзбекистон-Россия мулоқотини янада мустаҳкамлашнинг устувор йўналишларидандир.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги мажлиси ўзаро савдо ва сармоявий алоқаларни диверсификация қилишдан икки томон ҳам манфаатдор эканини тасдиқлади.

Оқсаройдаги учрашувда минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик, бугунги кундаги умумий хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш борасида биргаликда чора-тадбирлар қабул қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

С. Лавров самимий қабул ҳамда икки ва кўп томонлама ҳамкорлик истиқболларини атрофлича муҳокама қилиш имконияти учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик изҳор этди, шунингдек, Россия раҳбариятининг Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва конструктив ҳамкорликка тайёр эканини тасдиқлади.

Учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

**ЎзА.**

**МАЪНАВИЯТ**

## МУРУВВАТ БАРЧА БЕРМАКДУР...

**Араб олими Ибн Хавқал "Мовароуннаҳр халқининг жувонмардлиги шу даражадаки, гўё барчаси бир хонадонда яшаётгандайдирлар. Бирортаси бошқанинг уйига борса, ўз уйига киргандай бўлади. Жуда меҳмондўстдирлар ва кечаси келадиган меҳмондан оғринмайдилар. Мусофирни танимасалар ҳам ҳеч бир музд-мукофот кутмай, меҳрибонлик кўрсатадилар..." деб ёзган эди.**

Аввал жувонмардлик ҳақида... Жувонмард – мард йигит дегани. Х асрдан эътиборан Хуросон ва Мовароуннаҳр шаҳарларида жувонмардлик ҳаракати кенг тарқала бошлайди. Бу ҳаракат аъзоларини эзгу ният бирлаштиради. Улар муҳтожларни, мусофирларни, боқувчисиз етим-есирларни, хаста ва ногиронларни, кексаларни, илм толибларини ўз ҳимояларига олиб, уларнинг ҳожатини чиқариш, мушкулини осон қилиш каби ишлар билан машғул бўлишган. Жувонмардларнинг қатъий низомлари бўлиб, унга оғишмай амал қилишган. Жамоага кириш олдидан маънавий устоз олдида аҳд-паймон қилиб, белига мардлик белбоғини боғлашган. Улар учун энг зарур қоида ўзгалар манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш ҳисобланган.

Қовун қовунни кўриб ранг олади, деганларидек, жувонмардларнинг эзгу ишлари секин-аста бутун халқ ахлоқига таъсир кўрсатиб, унинг одатий турмуш тарзига айланиб борган. Мусофирни сийлаш, ғариб-ғураболарга меҳр-мурувват кўрсатиш шарафли бурч, одамийлик сифати деб қаралиб, бу оммавий тус олган.

Алишер Навоий ҳазратлари жувонмардлик хусусида сўз юритиб, шундай дейдилар:

*Мурувват барча*
*бермакдир, емак йўқ,*
*Футувват барча*
*қилмоқдир, демак йўқ.*

Яъни, мурувват – фақат ўзини ўйламай, холисона яхшилик кўрсатиш, қилган яхшилигидан мукофот таъма қилмаслик, ортидан бу ҳақда гапирмаслик. Бундай сатрларни битган Алишер Навоий ҳазратларининг ўзлари ҳам ҳақиқий жувонмардлик кўрсатганларини яхши биламиз. Улар қанчадан-қанча мадрасаю хонақоҳлар, шифохонаю мусофирхоналар, йўлу кўприклар солдирганлар, мударрису талабаларга нафақа берганлар, етим-есирлар бошини силаганлар, истеъдодларни камолга етказганлар.

Улуғ шоиримизнинг пири муршиди ҳисобланмиш Хожа Аҳрор Валий ҳазратларининг бутун ҳаёти, таъбир жоиз бўлса, ҳақиқий жувонмардлик билан ўтган эди, десак янглишмаймиз. Хожа Убайдуллоҳ хасталаниб, Самарқанд таҳсилини чала қолдириб Тошкентга қайтар экан, ота мулки Келесда деҳқончилик билан машғул бўлади. Деҳқончилик аввалиданоқ, чиққан ҳосилнинг ҳаммасини (ҳа, ҳаммасини!) муҳтожларга бўлиб бераман, деб ният қилади. Шундай валломатлик шарофатидан бўлса керак, ўша йили хирмону омборлари дон-дунга тўлиб кетади. Ёш Убайдуллоҳ эса ўзига бир кафт ҳам дон қолдирмай ҳаммасини халққа тарқатади.

Темурий Абусаид Мирзо таклифи билан Самарқандга қайтган Хожа Аҳрор қолган бутун умрини эл-юрт хизматига бағишлайди. Нақшбандия тариқати намояндаси сифатида нафақат Мовароуннаҳр ва Хуросонда, балки Шарқий Туркистон, Ҳиндистон, Кавказ орти мусулмонлари орасида ҳам катта обрў-эътибор қозонади. У бундай шуҳратга биринчи галда ўз фуқаропарварлиги орқасидан эришади. Неча минг таноблаб экинзорлари, мол-қўйлари, йилқилари бўлган Хожа Аҳрор ўта камтарона ҳаёт кечиради. Молдунёга беписанд қарайди. Ўз бойлигини фақат хайрия мақсадларига – илм-фан равнақига, ободончиликка, муҳтожлар ҳожатини чиқаришга сарфлайди.

(Давоми 2-бетда).

# Вилоят ҳаёти

### ОҚҚЎРҒОН ТУМАНИ

## МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБИ

Туман марказида "Таромуш" қурилиш ташкилоти икки қаватли, 150 ўринли, барча қулайликларга эга Болалар мусиқа ва санъат мактабини қисқа фурсатларда қуриб битказди. Ҳозир сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Янги бино фойдаланишга топширилиш арафасида.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

### ЗАНГИОТА ТУМАНИ

## МЕРГАНЛАР БАҲСИ

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти туман кенгаши, маданият ва спорт ишлари бўлими, "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси ҳамкорлигида мактаб ўқувчилари ўртасида ҳаво милтиғидан ўқ отиш спорт тури бўйича мусобақа ўтказилди.

Иштирокчилар мерганлик бобида бир-бирларидан қолишмадилар. Голиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Умида ФАЗЛИЕВА.**

### ЎРТА ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

## ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ БИЛАН

Касб-ҳунар коллежи ва тадбиркор Марҳамат Абдураимова ташаббуси билан Ҳамид Олимжон номли маҳалланинг ўн беш нафар аёли Тошкент шаҳрининг тарихий жойларини, шунингдек, Муқимий номидаги давлат мусиқали драма театрида намойиш этилаётган "Огоҳ бўлинг, одамлар" спектаклини томоша қилиб қайтишди.

Кўпроқ пул топиш илинжида хорижий юртларга кетаётган фуқароларнинг аянчли тақдири, ўз шаъни, қадр-қиммати поймол бўлаётган қизларнинг қисмати ҳақида ҳикоя қилувчи спектакль саёҳатчиларда катта таассурот қолдирди.

**Моҳира РАСУЛОВА.**

### ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

## МОҲИЯТАН ДАВОМЛИ ЙИЛЛАР

4-умумтаълим мактабида «Ободлик кўнгилдан бошланади» мавзусида тадбир ташкил этилди.

Унда ХДП туман кенгаши, партиянинг «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти Оқовул қишлоғи Навоий номли, «Наврўз», «Янгиобод», «Чумчуқжар» маҳаллалари аҳли, фаоллари, меҳнат фахрийлари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар янги 2013 йил Обод турмуш йили сифатида 2012 йилнинг узвий давоми бўлишини, бу йил ниҳоясига етмаган ишларни мукаммал якунлаш имконини беришини қайд этдилар.

Ёшларга ўтган йиллар давомида эришган ютуқларимизни асраб-авайлаш, қадрига етиш лозимлиги тушунтирилди.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

**ҚЎШМА МАЖЛИС**

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси билан Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.**

Унда сенаторлар, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, бошқарма ва ташкилотлар, Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари доимий комиссиялари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари ўринбосарлари – хотин-қизлар қўмиталари раислари, ташкилий-назорат гуруҳларининг раҳбарлари, ОАВ ходимлари, ижтимоий мослашув маркази раҳбарлари иштирок этишди.

Қўшма мажлисга Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси, сенатор Рустам Холматов раислик қилди.

Сенат комиссияси аъзоси, ишчи гуруҳининг раҳбари Алишер Бурхоновнинг "Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатларининг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларни рўёбга чиқаришда ҳокимият вакиллик органларининг ролини оширишдаги иштироки тўғрисида" ҳамда Сенат Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Ҳамробой Раззоқовнинг Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси тўғрисидаги маърузалари тингланди ва муҳокама қилинди.

Шунингдек, мажлисда Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарорининг вилоятда ижроси тўғрисида"ги масала ҳам кўриб чиқилди. Бу хусусда вилоят ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими бошлиғи Муҳаммадали Исмоиловнинг маърузаси тингланди.

Муҳокама қилинган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қўшма мажлисда Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси – Сенат комиссияси раисининг ўринбосари Мамазоир Хўжамбердиев ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси Абдурашид Алтаевлар иштирок этишди.

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР**

## АВТОБУС ҚАТНОВИ ТИКЛАНАДИГАН БЎЛДИ

Юқори Чирчиқ тумани Жамбул қишлоғи "Қурсой" маҳалласи аҳолиси номидан таҳририятга йўллаган шикоятхатда маҳалла аҳли кўп йиллардан буён ичимлик сувидан қийналаётгани, шунингдек, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини шаҳар бозорларига олиб бориб сотиш учун транспорт қатнови йўқлиги жиддий муаммо бўлиб турганини баён этилганди.

Таҳририят ушбу шикоят юзасидан туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Сатторов имзоси билан жавоб хати олди. Унда жумладан, шундай дейилади:

"Ҳақиқатдан ҳам шикоятда баён этилган муаммолар мавжуд. 2010 йилда Юқори Чирчиқ тумани бўйича ичимлик суви иншоотларини реконструкция қилиш манзилли дастурига Жамбул қишлоқ фуқаролар йиғини "Қурсой" маҳалласида (пудратчи ташкилот: Тошкент вилояти "Сувоқава" ОАЖ) ичимлик суви тармоқлари қурилиши ва ичимлик суви иншоотлари реконструкцияси киритилган эди. Пудратчи ташкилот томонидан қурилиш ва реконструкция ишлари ниҳоясига етказилмай, ҳозирги кунга қадар фойдаланишга топширилмади. Мазкур масалада вилоят "Сувоқава" ОАЖ раҳбариятига туман ҳокимлиги томонидан бир неча бор ёзма мурожаат қилинди, аммо натижа бўлмади. Айни вақтда бу муаммони ҳал этиш учун туман прокуратурасига мурожаат этилди.

Транспорт хизмати масаласида вилоят ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ходимлари томонидан аризачиларга тушунтириш ишлари олиб борилди. "Ангрен АТС" МЧЖ раҳбарияти билан "Қурсой" маҳалласидан ўтувчи "Қизилтоғ-Қўйлиқ" автобус йўналишини тиклаш ҳақида келишиб олинди".

**2013 йил учун ОБУНА давом этмоқда. «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси индекси – 205.**

## ПАРВОЗДА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

**"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бир қатор шаҳарларга авиақатновларнинг чипта нархини жорий йил охиригача туширди.**

Эндиликда Тошкентдан Андижон, Наманган ва Фарғонага парвоз қилиш учун авиачипта нархи йиғимларни қўшиб ҳисоблаганда 67 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Бир муддат илгари Тошкент – Самарқанд – Тошкент йўналиши нархи 40 минг сўмга туширилган эди.

Таъкидлаш керакки, юқорида қайд этилган нархлар 31 декабрга қадар амал қилади.

**"Туркистон-пресс".**

**2013 ЙИЛ – ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ**

## ЎЗГАРИШЛАР КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

**Турмушда ҳар бир кун, ой ва йилнинг ўз вазифаси, режалари, орзу-умидлари бўлади. Ҳар биримиз ўз рўзғоримизни бутлаш, ҳаётимизни яна ҳам маъмур, мазмунли ва гўзалроқ қилишни кўзлаб ишлаймиз, изланамиз. Барчамизнинг орзу-интилишларимиз жамулжам бўлиб, изчил давом этаётган бугунги ўзгаришлар, янгиланишлар жараёнини жадаллаштиради, мустақил тараққиётимиз суръатига суръат қўшади, турмушимизни тобора фаровонлаштиради ва мамлакатимиз маънавий-иқтисодий салоҳиятини юксалтиради, Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқади.**

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда шулар ҳақида гапириб, ҳар бир йил "ўзининг туб мазмун-моҳияти, руҳи ва фалсафаси билан, амалий таъсири ва натижаси билан эл-юртимиз хотирасида чуқур из қолдиради" деб таъкидлади. 2013 йил – Обод турмуш йили деб эълон қилиниши муносабати билан "Тошкент ҳақиқати" газетаси таҳририяти Бўка туманида давра суҳбати ташкил этди. Унга катта ҳаёт йўлига бир пайтда кириб келган, турмуш синовларини енгиб ўтиб, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшаётган кишилар таклиф қилинди.

(Давоми 2-бетда).

МАЪНАВИЯТ

# МУРУВВАТ БАРЧА БЕРМАКДУР...

(Давоми. Боши 1-бетда).

Манбаларда ёзилишича, бир йили Мадинада қурғоқчилик юз бериб, қаҳатчилик бошланади. Ҳазрати Усмон (р.а) катта бир карвонга мол ортиб, Мадинага келади. Мадиналик савдогарлар шаҳар ташқарисида у кишини кутиб оладилар ва "Эй, Усмон, молингизни катта нарх-да сотиб оламиз", дейдилар. Усмон (р.а) кўнмайди. "Менга жуда катта қиймат ваъда қилинган" дейди. "Бирига уч берамиз" дейишади. Ҳатто, "бирига беш, бирига етти берамиз" дейишса ҳам рози бўлмайди. "Менга бирига ўн ваъда қилинган" дейди. Савдогарлар ҳайратга тушади. "Биз Мадинанинг энг катта тижоратчиларимиз, биздан ошиб, бунчалик катта нархни ким ҳам берарди?" дейишади. "Оллоҳ! У бирига ўн ваъда қилган". Усмон (р.а) шундай дейди-да, шаҳарга кириб, барча олиб келган молини мадиналикларга эҳсон қилиб юборади.

Мурувват сўзини аксари ҳолларда меҳр сўзи билан бақамти ишлатиб, "меҳр-мурувват" дейишади. Дарҳақиқат, улар маънодош сўзлардир. Меҳрли инсонлар мурувватли бўлишади. Борлиқ ҳаётга, одамларга меҳрли бўлганлар ҳаётни янада тўкис кўрмоқни, ён-атрофдаги кишилар ғам-ташвишдан йироқ бўлишини, ғанимат дунё неъматларидан бебаҳра қолмаслигини истайдики, бундай инсонлар ҳақида ўтмиш аждодларимиз ҳаётидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Энг муҳими шундаки, бундай мурувватли, саховатли, ҳожатбарор инсонлар ўз ҳаёт тарзлари билан кўпчиликка ибрат бўлганлар. Одамлар уларга эргашган, улардай эзгу фазилатли, бошқаларга яхшилик қилиб, бундан ўзлари қониқиш оладиган, ҳузурланадиган бўлишга интилишган. Меҳмондўстлик, одамохунлик, ҳожатбарорлик, етимпарварлик каби фазилатлар азалий қадриятларимиз қаторида яшаб келаётганлиги боиси ҳам шунда.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимизнинг фронт ортида кўрсатган фидокорлигини эсга олайлик. Юз минглаб етим болаларни бағрига олган халқимиз ўзи емай, уларга едиргани, "Сен етим эмассан!" дея оталардай бошини силагани бу ҳақиқий жувонмардлик, бағрикенглик, мурувватпешалик эмасми!

Меҳмонни атойи Худо деб, қувониб қарши оладиган, қўни-қўшни, ҳамқишлоғи, ҳаммаҳалласи дарди-ташвишини баҳам кўрадиган, хайр-саховат, эҳсон, ҳадя қилиб чарчамайдиган, доим ўзгалар ташвишини чекиб юрадиган инсонлар бугун ҳам истаганча топилади орамизда. Аждодларимиз анъаналарига садоқатли шундай меҳр-мурувватли, ҳимматли, танти инсонлар туфайли ҳам ҳаётимиз файзли, баракотлидир. Юртимиз равнақи, халқимиз жипслиги, аҳиллиги, тинч-тотувлиги ҳам ҳар доим ўзгаларга яхшилик истайдиган, яхшиликка интиладиган ана шундай инсонлар шарофатидандир.

**Қурбонали ТУРСУНОВ,**
**вилоят бош имом хатиби.**

АНЖУМАН

# ҚОМУСИМИЗ – ТАЯНЧИМИЗ



**Конституция ҳар қандай давлатнинг юзи, мамлакатнинг демократик ривожланишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг, инсон ва давлат муносабатларининг ишончли кафолати, ҳуқуқий давлатнинг асосий белгисидир.**

Чирчиқ шаҳар ҳокимлигида ташкил этилган тадбирда "Қомусимиз – таянчимиз" ва "Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳамиша ҳимояда" мавзуларида сўз борди.

Унда Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси, шаҳар "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, халқ таълими бўлими ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, мактаб, боғча, лицей ва коллеж раҳбарлари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар истеъмолчиларнинг ҳуқуқларига доир қонун, меъёрий ҳужжатлар, яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида гапирдилар. Шунингдек, "Қомусимиз – таянчимиз" мавзусида маъруза тингланди.

**Ирода НОРБОЕВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# АЁЛ НУФУЗИ

**Юқори Чирчиқ туман ҳокимлигида "Мустаҳкам оила – жамият таянчи" лойиҳаси доирасида "Оила мустаҳкамлигини таъминлашда аёлнинг ўрни" мавзусида тадбир ташкил этилди.**

Унда ЎзХДП фаоллари, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, умумтаълим мактабларининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, тадбиркор аёллар иштирок этди.

"Хотин-қизлар ва ёш оилаларни моддий, маънавий, ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга оид имтиёзлар ва улардан фойдаланиш", "Бола тарбияси билан шуғулланаётган хотин-қиздарни касаначилик меҳнатига жалб қилишдаги муаммо ва ечимлар", "Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар бериш самарадорлигини ошириш" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

# ЛОЙИҲА ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

**Янгийўл тумани "Ҳақиқат" хусусий корхонасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши Аёллар қаноти "Оилавий тадбиркорлик – аёллар бандлигини таъминлашнинг муҳим омили" мавзусида давра суҳбати ўтказди.**

"Оилавий тадбиркорликдан мустаҳкам оилага" лойиҳаси вилоят босқичи доирасида ўтказилган тадбирда республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзолари, вилоят, шаҳар ва туман партия фаоллари, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси, "Тадбиркор аёл" жамоат бирлашмаси вилоят ва Янгийўл туман бўлимлари, солиқ ва банк муассасалари ходимлари, тадбиркор ва фермер аёллар иштирок этди.

Бу лойиҳа хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада кучайтириш, аёлларимизни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, хусусан оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначилик фаолиятига кенг жалб этиш орқали оилавий бизнесни ривожлантиришга, қишлоқ хотин-қизларининг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги иштирокини фаоллаштиришга йўналтирилган бўлиб, ҳудудларда кредит олиш ва янги иш ўринларини яратишда амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Тадбирда O'zLiDeP Аёллар қаноти "Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари", "Соғлом оила – мустаҳкам оила", "Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага" каби лойиҳаларни изчил амалга ошираётгани таъкидланди. "Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага" лойиҳаси доирасида фақат уч ойда 200 дан ортиқ давра суҳбатлари, учрашув ва семинар-тренинглар ташкил этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзолари аёлларнинг тадбиркорлик билан боғлиқ муаммоларини бартараф этиш, депутат аёллар билан мунтазам учрашувлар ташкил қилиш ва улар иштирокида аёллар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, аёлларда лидерлик қобилиятини шакллантиришга қаратилган тадбирлар ўтказишга оид таклиф ва мулоҳазалар билдиришди.

"Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага" лойиҳаси вилоят босқичи ғолиблари тақдирланди.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**

**Қибрай тумани хотин-қизлар қўмитаси, "Опа-сингиллар" нодавлат нотижорат ташкилоти, республика ногиронларни қўллаб-қувватлаш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбати имконияти чекланган фуқароларни қўллаб-қувватлаш ва имкониятлари даражасида меҳнатга жалб қилиш масалаларига бағишланди.**

# ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАНЛАР ЭЪТИБОРДА

Хусусан, ногиронлар маркази, хотин-қизлар қўмиталари, касаба уюшмалари, маҳаллалар ва бошқа жамоат ташкилотлари олдида турган вазифалар ҳақида сўз борди ва келгусидаги режалар белгилаб олинди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

КИЧИК БИЗНЕС

# ҚАЙТА ИШЛАШ – КОНИ ФОЙДА

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида хом ашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва уларнинг турларини кенгайтириш борасида кенг имтиёзлар берилмоқда.**

Зангиота туманидаги "Асл зот мероси" очиқ акциядорлик жамияти ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, узумни қайта ишлашни йўлга қўйди.

– Мамлакатимизда узумнинг қирққа яқин тури етиштирилади, – дейди корхона раҳбари Баҳодир Мақсудхўжаев. – Одатда, уларнинг меваси истеъмол қилиниб, уруғи ва пўстлоғи ташлаб юборилади. Биз ушбу чиқиндилардан тиббиёт ва косметикада қўлланиладиган мой ишлаб чиқариш учун сертификат олдик. "Туронбанк"дан олинган имтиёзли кредит эвазига замонавий ускуна ва тегирмон ўрнатдик. Ҳозир 80-350 граммлик идишларда қадоқланган маҳсулотлар ишлаб чиқаряпмиз.

Ишлаб чиқариш барқарорлиги, аввало, хом ашё таъминотига боғлиқ. Шу боис корхона кенг токзор ва заводларга эга компаниялардан бири – "Меҳнат групп" билан кооперация алоқаларини йўлга қўйди. "Меҳнат групп" узумдан шарбат олса, "Асл зот мероси" уларнинг уруғи ва пўстлоғини қайта ишлайди. Натижада шу пайтгача қолдиқ сифатида ташлаб юборилган узум чиқити қимматбаҳо маҳсулотга айланмоқда.

Мутахассисларнинг маълум қилишича, узум мойи таркибида инсон организми учун фойдали уч юзга яқин бирикма мавжуд. Узум мойи қамқонликда, нафас олиш йўллари шамоллашида, сурункали гепатитда, ошқозон-ичак ва юрак-қон томир касалликларининг олдини олишда ажойиб профилактик воситадир.

Дунёда энг қимматбаҳо ҳисобланадиган зайтун мойидан ҳам юқори баҳоланаётган бу маҳсулот касалликларнинг олдини олиш билан бирга, иммунитетни ҳам оширади. Ундан эрталаб бир ош қошиқ миқдорида истеъмол қилинса, организмнинг бир кунлик Е витаминига бўлган талаби қондирилади. Бу эса тўқималар тикланишини таъминлаб, кексайишнинг олдини олади. Узум мойининг таркибида косметология учун муҳим компонент – линол кислотаси бор. Шу боис бундай ёғ терининг шикастланган ҳужайраларини тиклаб, кишига гўзаллик бағишлайди.

Корхонада қўлланилаётган қайта ишлаш усулида узумнинг бундай хусусиятлари йўқотилмайди.

Йигирмадан зиёд ишчи меҳнат қилаётган корхонада кунига уч тоннагача уруғ эзилиб, 150-300 килограмм атрофида узум мойи олинмоқда. Унинг 10 фоизидан ёғ олинса, қолган қисмидан какао кукунининг ўрнини бемалол боса оладиган қўшимчалар тайёрланмоқда. Улар 1 килограммдан 20 килограммгача бўлган қоғоз пакетларга қадоқланмоқда.

Айни пайтда корхона маҳсулотларига Жанубий Корея, Япония ва россиялик ишбилармонлар катта қизиқиш билдирмоқда. Корхона жамоаси келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини янада кўпайтириш ва маҳсулотларини экспорт қилиш ниятида.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бўка тумани кенгаши "Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам" лойиҳаси доирасида "Ҳоким ва ёшлар" мавзусида тадбир ўтказди.**

# ҲОКИМЛИК ВА ЁШЛАР

Тадбир давомида туман ҳокимлиги мутасадди ходимлари ёшлар ўртасида жиноятчилик, уларга имтиёзли кредитлар бериш ва ундан оқилона фойдаланиш йўл-йўриқлари ҳақида тушунчалар бериб, ёшларни қизиқтирган саволларига жавоб қайтардилар.

Тадбир сўнгида "Тубанлик" фильми намойиш этилди. Ёшлар фильмдан олган таассуротлари хусусида фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

2013 ЙИЛ – ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

# ЎЗГАРИШЛАР КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

### ШИОРИМИЗ – ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ТИНЧЛИК

**Бўка тумани Ачамайли қишлоғидаги "Шифокор" маҳалласида яшовчи Ҳабибулла РАҲМОНОВ:**

– Бизларнинг балоғат ёшимиз оғир вақтларга тўғри келди. Ўрта мактабни битириб, не-не орзу-умидлар билан энди ўз ҳаётимизни ташкил этамиз, ўқиймиз, касб эгаллаб, ишлаймиз деб юрган кезларимиз баримизни армияга, Узоқ Шарққа, ҳарбий қурилишларга олиб кетишди. Сариқ-совуқ вагонларда бир ярим-икки ой деганда Хабаров ўлкасига етказиб боришди. Ҳаммаёқ қалин қор, аямажиз изиллатади. Шундай шароитда палаткаларда яшаб, қурилишларда ишлаганмиз. Уч йил шундай ўтган...

**Пискент тумани "Нодирабегим" маҳалласида яшовчи Эргаш ЖЎРАЕВ:**

– У даврлар қайтмасга кетди. Юртбошимиз кечаги тантанали йиғилишда собиқ Иттифоқ таркибида қандай яшаганимизни бир оғиз сўз билан аниқ таърифлаб бердилар. У кунлар билан бугунги ҳаётимизни мутлақо таққослаб бўлмайди. Ҳаёт даражамиз, турмуш шароитимиз яхшиланиб бормоқда. Кириб келаётган Обод турмуш йилида бу жараён сифат жиҳатидан янада юксак поғонага кўтарилади. Юртбошимиз айтганларидек, мамлакатимизда инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, турмушимиз маъмур, эртанги ёруғ кунимиз йўлида яна бир улкан қадам бўлади.

Бунинг учун мамлакатимизда миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатлик, тинчлик барқарор бўлиши керак. Бугунги глобаллашув шароитида турли таҳдидлар кучайиб бораётгани сир эмас. Президентимиз "Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир" маърузаларида бугунги шароитда мамлакатимизни яна ҳам равнақ топтиришнинг асосий ички ва ташқи сиёсий йўналишларини белгилаб бердилар. "Минтақамизда мураккаб вазият вужудга келаётган шароитда, узоқ ва яқин атрофимизда турли қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бораётган бир пайтда, – деб таъкидладилар Юртбошимиз, – мамлакатимиз тинчлиги ва фаровонлигини сақлаш, ён-атрофимиздаги давлатлар ва халқлар билан ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳамжиҳатликда яшаш учун шарт-шароитларни таъминлашга қаратилган ташқи сиёсатгина халқимизнинг асл орзу-умид ва интилишларига мос келади".

**"Ўзметкомбинат" очиқ акциядорлик жамияти касаба қўмитаси раиси, Халқ депутатлари Бекобод шаҳар Кенгаши депутати Илҳом ҚУРБОНОВ:**

– Биз бугун шундай орзу-умидлар, интилишлар билан яшаяпмиз. Халқимиз мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун бир жон-бир тан бўлиб меҳнат қилмоқда. Кейинги йилларда Бекобод шаҳрида эришилаётган ютуқлар шу саъй-ҳаракатларнинг натижасидир. Ёлғиз бизнинг корхонамиз меҳнат жамоасида 40 дан ортиқ миллат ва элат фарзандлари – ўзбек ва тожик, рус ва татар, қирғиз ва корейс сингари турли миллат вакиллари электрда пўлат эритиш, прокат, мартень, транспорт цехлари сингари асосий ишлаб чиқариш участкаларида бир-бирига устозу шогирд бўлиб, ёнма-ён ишламоқда.

**Бўка тумани "Янгиобод" маҳалласида яшовчи Тиловмурод ОСТОНОВ:**

– Мен мустақил Ўзбекистонимизнинг оддий бир фуқаросиман. Бир умр тракторчи, ҳайдовчи бўлиб ишладим. Оиламда тўрт ўғил, уч қиз камолга етди. Бизнинг бахтимиз шундаки, халқимиз тотув, юртимиз тинч. Шу боис бири деҳқон, бири дурадгор фарзандларим турмушимизни яна ҳам маъмур ва фаровон қилишяпти. Йилдан-йилга яхшироқ яшаяпмиз, орзу-ҳавасларимизни рўёбга чиқараяпмиз.

### ФАРЗАНДЛАР – БАХТИМИЗ, ИҚБОЛИМИЗ

**Қуйи Чирчиқ тумани Кўрғонча қишлоғида яшовчи Тўрахон ДУРХЎЖАЕВ:**

– Яхшилик, орзу-ҳавас кўнгиллардан жой олса, турмуш тарзига айланса, бахту иқбол шунда. Гоҳида: "Мустақиллик бизга нима берди?" деган саволни эшитиб қоламиз. Шунда ўз оилам ва фарзандларим ҳаётини кўз олдимга келтираман. Уларнинг ёшлиги бахтли кечаяпти, ўз тақдирларини ўзлари яратишаяпти. Бунинг учун мамлакатимизда ҳамма нарса муҳайё. Ҳозиргидек ҳашаматли, ҳар жиҳатдан бадастир мактаблар, коллежларни қачон кўрганмиз? Улардаги ўқитиш-ўқиш шароитлари тушимизга ҳам кирмаган. Ёшларимиз ўқиш, касб эгаллаш, ҳаётда муносиб ўрин топиш учун барча шароитларга эга. Фақат орзулари қанотли бўлса, қунт-ғайратда собит бўлишса бас.



**Бўка тумани Дўстлик қишлоғида яшовчи Тўхтамурод ТУРДИБОЕВ:**

– Жуда тўғри. Ёшларимиз мустақиллик неъматларидан оқилона фойдаланишса бас. Катта ўғлим Дилмурод "Турдимурод-Дилмурод" фермер хўжалигига раҳбар. 80 гектар ери бор. Тўғри, ҳозирча кўзлаган ҳосилини ололмаяпти. Чунки ерлари захкашроқ. Лекин давлатимиз бюджет ҳисобидан экин майдонларини мелиорациялашга ёрдам кўрсата бошлади. Иккинчи ўғлим Фазлиддин хусусий тадбиркор. Кенжамиз Дилшод фермер хўжалигида иш бошқарувчи бўлиб етишди. Кетма-кет набираларим камол топишяпти. Каттаси Соҳибжон Обод турмуш йилида коллежни битиради. Муҳайё ҳозир тиббиёт коллежининг иккинчи босқичида.

**Пискент шаҳар "Бекобод" маҳалласи оқсоқоли Облоқул НАЗИРҚУЛОВ:**

– Ҳозир ҳар бир оилада аҳвол шу: ўғил-қизларимизда ўқиб, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишиш орзуси кучайиб бормоқда. Бу оила, маҳалла ва мактаблардаги маънавий-ахлоқий тарбиянинг натижаси, албатта. Ўз фарзандларимдан мисол. Тўнғичимиз Нафиса – ўқитувчи. Жаҳонгир – хусусий тадбиркор. Насиба коллежда ўқиб, дизайнер бўлиб етишди, бичувчи-тикувчи. Кенжамиз Аловуддин Тошкент Давлат аграр университетида ўқияпти.

**Пискент тумани "Култепа" маҳалласида яшовчи Исмоил МИРЗААҲМЕДОВ:**

– Ҳа, тарбияда гап кўп. Кўз ўнгимизда янги авлод камол топаяпти. Ўғил-қизларимиз, невараларимиз ҳар жиҳатдан етук, баркамол, ота-онага, ёр-дўстга қайишимли, эл-юртга муносиб, Ватанга садоқатли бўлиб камол топишида маҳалланинг таъсири катта. Чунки, ёшлар оила, маҳалла муҳитида ақлини, юртини танийди. Бу жараёнда кексалар ва ота-она ибрати, таъсири алоҳида.

**Бўка тумани "Янгиобод" маҳалласи посбони Саттор МЕЛИЕВ:**

– Бу гаплар – айни ҳақиқат. Бундан йигирма йиллар муқаддам ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, ўғрилик, турли зарарли оқимлар таъсирига берилишлар кучайгани кузатилди. Бу – лоқайдлик, эътиборсизлик оқибати эди. Эндиликда маҳалла фаоллари, ота-оналар ёшлар тарбиясини қўлга олишди. Маҳаллада ҳуқуқбузарликка мойил шахслар алоҳида ҳисобда. Улар билан яккама-якка суҳбатлашамиз, ишга жойлашиш ёки ўз хусусий ишларини бошлашларига, ҳалол меҳнат билан яшаб, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашамиз. Бу саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини бераяпти. Жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик камайиб бораяпти.

### ТУРМУШ ОБОДЛИГИ – МЕҲНАТДАН

**Бўка тумани "Анвар Ражаб Барака" фермер хўжалиги раҳбари Ражаббой САИДҚУЛОВ:**

– Кириб келаётган янги йилга "Обод турмуш йили" номи берилишида ҳикмат кўп. Энг муҳими, ободлик халқимиз, миллатимиз учун энг асосий қадрият ҳисобланади. Турмуш ободлиги ҳар бир кўнгилда мужассам. Инсон борки, шу орзу-ният билан яшайди, унинг замирида ҳалол меҳнат ётади. Юртбошимиз шу ҳақда гапириб, бу ном тилга олинганда "...халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, файз-барака ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қилади", деб алоҳида таъкидладилар.

Буни биз, фермерлар ўз фаолиятимизда яққол ҳис қилаяпмиз. Меҳнат билан топилган бойлик баракали бўлади. Фермерлик ҳаракати ривожланиши, ҳосилдорлик кўтарилиши учун давлатимиз янги-янги қулайликлар яратиб, имтиёзлар бераяпти. Чунончи, бизнинг шўрланиб, унумдорлиги пасайиб бораётган ерларимизни мелиорациялаш лойиҳаси ишлаб чиқиляпти. Бу режа Обод турмуш йилида бюджет маблағи ҳисобидан амалга оширилади. Иккинчидан, фермерлар ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи, сервис хизматлари кўрсатувчи кичик корхоналар барпо этишлари учун имтиёзли кредитлар ажратиляпти. Фермер ўз молия-иқтисодий аҳволини яхшилаб олиши учун булар – катта имконият.

**Пискент шаҳарчаси "Митан" маҳалласида яшовчи Раҳмонжон ТОШМАТОВ:**

– Халқ мақолида айтилганидек, меҳнат билан топилган бойлик турмушни фаровонлаштиради. Наинки хонадон, балки маҳалла, қишлоғу шаҳар ҳам ободонлашиб, гўзаллашиб, одамлар тобора маданий яшайдилар.

Уч-тўрт йил олдин келган киши бугунги Пискентни таниёлмайди. Кўчалар равон, уй-жойлар кўримли. Истироҳат боғимизни айтмайсизми?! Олмалиқ кон-металлургия комбинати уни тўла қайта барпо этиб берди. Хиёбонларни айлансангиз, ўзингизни эртаклар дунёсида юргандек сезасиз.

**Бўка туманида яшовчи Рифқат ҲИСОМИДДИНОВ:**

– Ўттиз йил Ҳожиматов номидаги жамоа хўжалигида трактор ҳайдаб, уни ўзимники деёлмай ўтдим. Мустақиллик шарофати билан "Енисей" дон комбайни сотиб олдик. Ўғлим Рашид фермер хўжаликлари буғдойини ўриб беради. Қизларим шифокор. Ўғилларим техникада ишлашади. Эркин меҳнат орқасидан турмушимиз фаровон.

**Оққўрғон тумани "Тортуғли" маҳалласида яшовчи Абдуманноб АҲМЕДОВ:**

– Шундай. Кишининг мазмунли, гўзал турмушга етишишига фақат ҳалол меҳнат асосий омил бўлади. Кўп йиллар пахтада ишладим. Бригадага бош бўлиб, 38 центнергача ҳосил етиштирдик. Мустақиллик йилларида "Чинор" фермер хўжалигини ташкил қилдим. Меҳнат мени элга танитди, хонадонимни обод, турмушимни мазмунли қилди. Фарзандларим ҳам меҳнаткаш бўлиб вояга етишди. Ҳаммалари ўз бахтларини меҳнат билан яратишаяпти.

Тенгдошларнинг бу давра суҳбати Бўканинг "Гулистон" маҳалласида бўлиб ўтди. Уч ўғил, уч қизни вояга етказган, 45 невара ва эвара бағрида умргузаронлик қилаётган Худби момо Розиқова бошлиқ тадбиркорлар оиласи суҳбатни ташкил этишга кўмаклашди. Бу оила шахсий томорқасида цитрус ва сабзавот маҳсулотлари етиштириб, йилига 12-13 миллион сўм даромад олмоқда. Хонадонда меҳнатга лаёқатли киши борки, иш билан банд. Шу боис оила ҳавас қилса арзигулик ҳаёт кечирмоқда.

– Қатрада қуёш акс этади деганларича бор, – дейди Худби момо. – Мустақиллик шарофати билан ҳар бир хонадон шундай интилиш билан яшамоқда. Илойим, саъй-ҳаракатларимиз бунданда хайрли, баракали бўлсин. Яқинлашиб келаётган Обод турмуш йили бу эзгу йўлда янги довонга айлансин.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТДА:** давра суҳбати иштирокчиларидан бир гуруҳи.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ

ВОЛЕЙБОЛ

### Вилоят ҳокими кубоги

# МЕЗБОНЛАР – ҒОЛИБ

**Кейинги йилларда вилоятимизда болалар, аёллар, шунингдек, оилавий спортга эътибор анча кучайди. Бу эришилаётган натижаларда яққол акс этаяпти. У ёки бу спорт тури билан жиддий шуғулланаётган аёллар сафи йилдан йилга кенгайиб бораяпти. Натижада, аҳоли жисмонан чиниқиб, соғлиги мустаҳкамланиб, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш имкониятлари кенгаймоқда.**



Вилоят ҳокими кубоги учун аёлларнинг анъанавий волейбол мусобақалари ҳам хотин-қизлар ўртасида кенг оммалашиб, ўз қобилиятларини ҳар соҳада намоён этишларига замин яратмоқда. Кубок учун курашаётган жамоалар таркибида ўқитувчи, ҳамшира, тадбиркор, уй бекалари, жамоатчилик ташкилотлари ходимлари ва бошқа турли касб эгалари бўлган аёллар бор. Уларнинг нафақат волейбол, балки бошқа спорт турлари билан шуғулланиб, мусобақаларда иштирок этишлари оилаларда соғлом турмуш тарзи қарор топишига кенг имконият ва замин яратмоқда. Шу баҳона спорт чекка қишлоқ ва маҳаллаларгача кириб бориб, машғулот майдонлари ва заллари кўпайишига кенг йўл очмоқда.

Ўрта Чирчиқ тумани ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи спорт мажмуасида аёллар волейбол жамоалари ўртасида ҳоким кубоги учун мусобақаларнинг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси ташкил этган турнирда аввал минтақаларда ўтказилган саралаш ўйинларида ғолиб чиққан саккизта кучли жамоа кубокни қўлга киритиш учун кураш олиб борди. Сараланган жамоалар беллашуви олдиндан кутилганидек, қизғин ва муросасиз кечди.

Майдон эгалари – Ўрта чирчиқлик волейболчилар турнир ғолиби бўлишди. Бўстонлиқ туман жамоаси иккинчи, оҳангаронлик аёллар совринли учинчи ўринни эгаллашди.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

ШАХМАТ

# ЁШ ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ СОВРИНДОРЛАР САФИДА

**Ҳиндистонда шахмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида давом этаётган VIII Осиё чемпионатининг рапид – тезкор шахмат баҳсларида ўзбекистонлик ёш шахматчилар совриндорлар қаторидан жой олди.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш, жисмонан ва маънан соғлом, юксак интеллектуал салоҳиятга эга авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Деҳли шаҳрида ўтаётган бу галги Осиё чемпионатида мезбонлардан ташқари, Ўзбекистон, Хитой, Бирлашган Араб Амирликлари, Мўғулистон, Малайзия, Шри-Ланка, Бангладеш, Қозоғистон ва Қирғизистондан 400 нафардан зиёд беш ёшдан ўн етти ёшгача бўлган ўғил-қиз ғолиблик учун дона сурмоқда.

Тезкор шахматда ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Нодирбек Абдусатторов 9 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида олти имкониятдан беш очко жамғариб, кумуш медаль билан тақдирланди.

Ўн бир ёшгача бўлган қизлар баҳсида Асал Салимова 4,5 очко билан учинчи ўринни эгаллаган бўлса, ўн уч ёшгача бўлган қизлар ўртасида



5,5 очко жамғарган Баҳора Абдусатторова бронза медаль билан кифояланди.

Мусобақа давом этмоқда.

**ЎзА.**

КУРАШ

# МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

**Ватанимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида фидойилик кўрсатган юртдошларимиз хотираси ҳамиша эъзозда. Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида қўл жанги бўйича ўтказилган халқаро турнир ҳам шу мақсадга хизмат қилади.**

Ўзбекистон Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази ва Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қўл жанги федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада Ўзбекистон, Россия, Украина, Озарбойжон, Қозоғистондан 200 нафарга яқин ҳаваскор ва профессионал спортчи куч синашди.

Турнирнинг профессионал қўл жанги усталари ўртасида ўтказилган рейтинг жангларида Бобур Раҳматов озарбайжонлик Эътиқод Атакишевни, Музаффар Ражабов украиналик Руслан Нажафалиевни мағлубиятга учратди. Шунингдек, пойтахтлик Шоҳрух Рўзиев, Шамсиддин Йўлдошев, Ҳусан Баратов ва самарқандлик Маҳмуд Тўраев рақиблари устидан ғалаба қозонди.

Ўзбекистон чемпионлиги камари учун баҳсларда пойтахтлик спортчилар – Рустам Маъдиев Жамшид Бекматовни, Мусо Маметов Жаҳонгир Абдувоҳидовни, қашқадарёлик Бобур Қурбонов бухоролик Жамол Омоновни, пойтахтлик Жаҳонгир Мансуров навоийлик Шерали Абдураимовни енгиб, чемпион бўлди.

Ҳаваскорлар ўртасидаги беллашувларда пойтахтлик Сирожиддин Садриддинов, қашқадарёлик Алпомиш Қурбонназаров, Рамазон Темиров, Абдуазиз Анваров, фарғоналик Элмурод Йигиталиев, Ғиёсиддин Жамолиддинов ва Нодир Исроилов ўз вазн тоифасида олтин медални қўлга киритди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири.**

# ЭСТРАДАМИЗ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Миллий эстрада санъати: шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлиги давр талаби" мавзуидаги матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда бир қатор вазирлик ва мутасадди ташкилот вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ташкил этган тадбирда ҳукуматимиз томонидан миллий эстрада санъатини янада ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ҳамда белгиланган вазифалар юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида фикр юритилди. Бугунги кунда хонандаларга ижод йўлларини танлашда кенг кўламли амалий ёрдам кўрсатиляпти. Уларга таниқли шоир ва бастакорларнинг асарлари тавсия этилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ижрочиларнинг касбий ва маънавий камол топишига имкон яратиш мақсадида 21 нафар ёш истеъдодли хонандага имтиёзли лицензиялар берилди. Шунингдек, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ҳузурида замонавий техникалар билан жиҳозланган овоз ёзиш студияси фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирга қадар ёш истеъдодларнинг 30 га яқин янги қўшиқлари бепул ёзиб берилди.

Тадбирда қўшиқ яратишда талаб даражасида шеър танлаш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

**Алиёр ОРИПОВ, "Туркистон-пресс".**

ШАХСИЙ ФИКР

# ЖУРНАЛИСТ ШАЪНИГА ДОҒ

Аввалбошдан халқимиз матбуотчиларга ҳалол-пок ижодкорлар сифатида қараган ва уларга ишонган. Афсуски, сўнгги пайтларда журналистлар ҳақида турли миш-мишу ножўя гаплар қулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур, деганларидек, бундай узунқулоқ гаплар бежиз ораламайди.

"Ўзбекистон" телеканали орқали намойиш этилган "Сўзи бошқа, иши бошқа" номли кўрсатувни томоша қилиб, бунга яна бир бор амин бўлдим. Наҳотки, халқ ҳаётининг кўзгуси ҳисобланган телерадио ходимлари ва унинг мутасаддилари шунчалик нафс исканжасига тушиб қолган бўлса?!

Кўрсатувни кузатар эканман, бир жиҳатга алоҳида эътибор бердим. "Орият доно" ва "Орият FM" радиоканали мутасаддилари ўз фаолиятларининг маънавий жиҳатини такомиллаштириш ўрнига иқтисодий тарафини мустаҳкамлашга астойдил киришган кўринади.

Хўш, нима учун улар хориж билан шартнома қилиб, минг-минглаб валюталарни ўз ҳисобларига туширадилар-у, яна қилмишларини яшириш учун кимларгадир саховат кўрсатадилар? Бундай ўйинлар нимага керак?

Назаримизда радиоканал мутасаддилари хориждан хуфиёна келишув асосида келаётган долларларни ўзлаштиришнинг антиқа йўлини топишган. Кўрсатув давомида тушунганим шу бўлдики, ориятчилар мамлакатимизга ноқонуний маблағлар бемалол кириб келишига воситачилик қилишган. Ҳар ҳолда, бундан ўзлари бебаҳра қолишмаган бўлишса керак.

Хўш, бу маблағлар нимага хизмат қилади? Экстремизм, терроризм мақсадларига йўналтирилмаган деб ким кафолат бера олади? Агар эзгуликка йўналтирилган маблағ бўлса, нима учун қонуний равишда олиб кирилмайди?

Бу улар қилган жиноятларнинг иқтисодий жиҳати. Радио ижодкорларининг эфир вақтларини суиистеъмол қилишларини ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди. Халқ, айниқса, ёшлар ўртасида маънавият ва маърифат ўрнига беҳаёлик ва ахлоқсизликни тарғиб қилувчи бундай радиолар керакмикин ўзи, деган савол кишини ўйлантиради. Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораяпти. Бу юртда ҳеч қандай ноқонуний ва ғаразли ишларнинг илдиз отишига йўл қўйилмайди. Бундан ориятчиларга ўхшаб хомхаёлда юрганлар тегишли хулоса чиқариб олишлари лозим.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" махсус мухбири.**

БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ...

# ИСМИНГ НИМА, БОЛАКАЙ?

Кўксимдаги изтироб мени қийнайди... Исминг нима, болакай? Бунча маъюс, мунглиғ боқмаса бу кўзлар... Отанг ким? Онанг ким, болакай?

Унинг ёши тахминан ё учда, ё тўртда. Кўзларига ҳадик ин қурган, тили ҳам яхши чиқмаган, бурни, лаби жуда бежирим. Ўғил бола бўлса-да, қошлари қалдирғоч, қоп-қора. Тимқора сочлари пешонасига тушиб турибди.

– Отим Жасуй, – болакай қўлидаги шоколадни биров тортиб оладигандай, маҳкам сиқимлаб олган. – Ойим ишга кетган.

– Ойингнинг исми нима?

– Санобай.

– Э-э, Санобарми? Ойингни яхши танийман. Уни яхши кўрасанми?

Бола ўйланиб туриб, бошини сарак-сарак қилди. Кейин қўрқа-писа атрофга олазарак боқди.

– Шоколадни сенга ким берди?

– Маса хола, – болакай кўп қаватли уйнинг иккинчи қаватига қараб чулдиради: – Ҳу анув уйда туяди.

– Ҳм-м, Маша хола яхшими?

Уни гапиртиргим, чучук сўзларини эшитгим келаверади.

– Яса яхши кўяман. Менга нон, бўличка, қандлай беяди. Уйига обкийиб ухлатади. Кейин чой беяди. Ўйинчоқлай беяди...

– Ойинг-чи?

– Ойим озгина нон беяди. Мени уйга қамаб кетади, қойним очиб қолади...

Лабини чўччайтириб аразлагандай бўлади болакай.

– Боғчага бормайсанми?

– Йўқ, ойим обоймайди.

Шу пайт иккинчи қаватдан истараси иссиққина кампир кўринади.

– Жасурчик, ке бе ёққа.

Кампир менга юзланади:

– Сиз холасимисиз?

– Йўқ, йўқ... – дудуқланаман. – Қариндошиман, ҳалиги... Ойисининг танишиман.

– Ойисининг? Ўт тушсин бундай аёлга! – унинг пешонаси тиришди. – Қўшнилар қанча гапирди, кор қилмаяпти. Санобар ғирт аҳмоқ экан, боласини хор қилиб ташлаб қўйган. Ўзи уззукун тентирайди, бозор қилади. Бола бўлса дуч келганнинг эшигида оч-юпун юради. Ахлат қутисидан емиш ахтарганини ҳам кўрганмиз. Бугунам қўлига бир бурда нон бериб, ҳовлига ташлаб кетибди. Яхшиям қўшнилар улбул бериб, кўз-қулоқ бўлиб туришади. Шундай ёқимтой болани...

Мен индамай ер чизаман. Кампир тинмай жаврайди:

– Таниши бўлсангиз айтинг, болани боқолмаса, "Меҳрибонлик уйи"га топширсин. Уволи тутмасин тағин!

Кетатуриб Жасурга қарайман. Маша хола берган олмани еб, даканларни чақишга тушган. Менинг узоқлашганимни ҳам сезмайди.

Санобарни бозорда учратдим. У мени танимади ё ўзини танимасликка олди. Унга гапириб обрў топмаслигим шундоққина кўриниб турибди. Ҳозир Жасур қаерда қолдийкин? Яна кўчада бировлар берган луқмани ошаб, ранги заъфарон юрганмикан?

Эҳ, Санобар, нимага Аллоҳ сенга ўхшаган бағритошларга бола беради? Нега? Тирноққа зор юрганларга берса бўлмасмиди, Жасурни?

Сен-чи, Санобар, сен ўзингни қачон англайсан? Атрофингдагиларнинг нафратига йўлиқиб юраверсанг, кун келиб эсини танигач, Жасур сенга меҳр қўярмикан? Ҳайф, сенга оналик! Лоақал унинг болалик дунёсини заҳарлама! Билсанг, саккиз-тўққиз боласини оқ ювиб, оқ тараб ўтирган оналар бор орамизда. Улар қийинчиликлар олдида эсанкираб қолса-да, дийдиё қилаётганлари йўқ. Норасидада нима гуноҳ?! Қўшниларинг айтмоқчи, боланинг уволидан қўрқ. Эндиги ҳаётинг мазмуни боланг эканини унутма. Биламан, насиҳатга муҳтожлигинг йўқ. Лекин мен ортиқ жим ўтиб кетолмайман. Болангга боғланиб яша, аёл! Ҳеч ким сенинг мол-мулкингни суриштирмайди, ортингда қолар туёғингни сўрайди бир кун. Ҳусну малоҳатинг, ёшлигинг – омонат. Уволдан қўрқ, Санобар! Уволга юз тутган завол топмай қолмайди, ахир.

**Нигора ШОФАЙЗИЕВА.**

# ИҚТИДОРЛИЛАР САРАЛАНДИ

**"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида "Келажак овози" иқтидорли ёшлар Республика танловининг туман ва вилоят босқичлари ўз ниҳоясига етди.**

Жорий йилда "Келажак овози" танловида иштирок этиш учун жами 79354 та ариза келиб тушди.

Таҳлилларга кўра, ўтган 8 йил мобайнида танлов бутун республикамиз бўйлаб 388.000 нафар ёшларни жалб қилди. Туман ва вилоят саралаш босқичларида лойиҳа ташкилотчилари, танловнинг жамоатчилик кенгаши аъзолари ва тажрибали мутахассислар бевосита иштирок этдилар.

Танловнинг Республика босқичига йўлланмани қўлга киритган 650 дан ортиқ иқтидорли йигит-қизлар шу йилнинг 19-26 декабрь кунлари пойтахтимизда ўтказиладиган финал босқичида иштирок этишади.

**"Туркистон-пресс".**

НИГОҲ

# ТУРМУШ НОЧОРЛАШСА ЎЛИМ КЎПАЯДИ

**Ҳар қандай жамият аҳолисининг фаровонлиги одамларнинг саломатлигига боғлиқ. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти шу фикрни илгари сурганига бир неча йил бўлди. Фақат соғлом кишиларгина соғлом авлодни тарбиялаш ва инсоният тараққиётини олға силжитиш қобилиятига эга.**



Тожикистон Республикасида аҳоли саломатлиги йилдан йилга ёмонлашиб бормоқда ва шунинг оқибатида ўлим кўпайяпти. Маълумки, аҳолининг соғлиғи нафақат соғлиқни сақлаш хизматидан қандай фойдаланиш, балки яшаш шароити, овқатланиш имкониятлари ва экологик омилларга ҳам боғлиқ. Бугунги кунда Тожикистонда касалларнинг кўпайиб бораётганига бир қатор ижтимоий, иқтисодий ва экологик вазиятлар сабаб бўлаяпти.

Мамлакатда сурункали ва инфекцион хасталиклар авж олаётгани ўлимнинг кўпайишига олиб келаяпти. Расмий маълумотларга қараганда, 2004 йилда 29,7 минг кишининг ўлими қайд этилди. Ўшандан бошлаб ўлим йилдан-йилга кўпайиб бориб, 2011 йилда 34,5 минга етди.

Саноат корхоналарининг атроф-муҳитга салбий таъсирини ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Улар ҳавога ва оқар сув манбаларига чиқараётган турли ифлос ва заҳарли моддалар ҳам маҳаллий аҳолининг ўртача яшаш даражасини қисқартирмоқда.

ТАЛКО шундай корхоналарнинг энг йириги. У минтақа атроф-муҳитини оғир металлар кукуни қатламлари билан ифлослантирмоқда. Шунинг оқибатида тиббиёт муассасаларига нажот тилаб мурожаат қилаётган болалар, ҳомиладор аёллар ҳаддан зиёд кўпайиб кетди. Масалан, Турсунзода шаҳрида шундай беморлар мамлакатнинг экологик вазият бирмунча дурустроқ минтақаларига нисбатан 30-35 фоиз ошди.

Шу билан бир вақтда мамлакатда туғилиш камайиб бораётгани ҳам ўлимнинг кўпайишига қўшимча бўлиб, Тожикистон жамоатчилигига ташвиш келтирмоқда. Мустақил эксперт Шорасул Ориповнинг фикрига кўра, республикадаги ижтимоий танглик муносабати билан кейинги пайтларда туғилиш камайиб бораётгани кузатилмоқда. Айрим эркаклар хотинлари бошқа туғмаслигини хоҳлаб, ўзлари шифокорлар ҳузурига етаклаб бормоқдалар.

Бир томондан эса ажрашишлар ҳам борган сари кўпайиб, туғилиш камайишига табиий замин яратмоқда. Эксперт Ш. Ориповнинг таъкидлашича, илгари Тожикистон аҳолиси ўртасида қўйди-чиқди жуда нохуш ҳолат сифатида қабул қилинарди. Бирор оилада шундай вазият вужудга келса, одамлар иш ажралишгача бориб етмаслиги учун имкон даражасида чора кўрар эдилар.

– Лекин, кейинги ўн йилдан буён ажралиш оддий ҳолга айланиб улгурди, – дейди Ш. Орипов. – Жамоатчилик ажралишлар сабабларини муҳокама қилмай қўйди. Рақамларга назар ташласак, 2004 йилда мамлакатда 2587 та ажралиш қайд этилган бўлса, кейинчалик бу ҳол кескин кўпайиб борди ва 2011 йилга келиб 7456 оила бузилиб кетди. Булар – фақат расмий маълумотлар. Ачинарлиси шуки, кейинги йилларда телефон қўнғироқлари орқали ажралиб кетаётган оилалар ҳам кўпайди. Яъни, меҳнат миграциясида юрган аксарият эркаклар ўша жойларда янги оилалар қуриб, юртларида қолган оилалари тақдирини телефон орқали ҳал этиб қўя қолмоқдалар. Шуниси ёмонки, бундай ножўя жараён ҳозир ҳам давом этаяпти.

**Суҳроб САМИЕВ. www.tjknews.com.**

РАССОМ ХАНДАСИ





## ЭЪЛОНЛАР

"RAYXON-GALI" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади ва унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини олади.

Тошкент шаҳар, Олмазор (Собир Раҳимов) тумани Қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи томонидан 2001 йил 29 июнда Атамуратова Нигора Маликовна номига берилган 258403 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юнусобод тумани ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан 08.10.2009 йилда № 005095-10 реестр рақамли "MARKETING EXCLUZIVE BIZNES" МЧЖга берилган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномаси, низом ива таъсис шартномаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный диплом МТ-I 002510, выданный в 1988 году (регистр № 3063) Букинским сельскохозяйственным техникумом на имя Джумабекова Турахон Оринбековича,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Ҳамза тумани ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган "KOMFORT INJENIRING" МЧЖга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1242. Адади 6837. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.10. 12345